

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ДОИМ ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАСИЗ,

АЗИЗ УСТОЗЛАР!



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуksиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган янана тизимини шакллантириш, ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш, ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим билан бир қаторда аниқ касбини эгаллашига яқиндан қўллашга хизмат қилмоқда. Соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, жаҳон андозлари даражасидаги таълим муассасаларини барпо этиш, уларни энг замонавий ўқув-ўқувчи жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Дағогиқ технологияларни кенг жорий этиш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, ўқувчилар билиминини баҳолашнинг муқаммал услубини яратиш, педагогларнинг ўқув иш юк-ламаларини белгилаш ва тақсимлаш тартибининг сезиларли тарзда энгиллаштириш юзасидан улкан ишлар бажарилди.

Таълими вазирилик томонидан 2010 йилда ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши педагоги» республика кўрик-танловлари ғолибларига эсдалик совғалари топширилди. Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси бўлиб, ўз даврида бошланғич байитининг на ёзишга улгурган «Афтад» радиофили газалини тугаллаб, ўз девонига киритишни Абдурахмон Жомийга васият қилган. Жомий кекса шоирнинг бу васиятини адо этган, бугунгача Жомий девонига яшаб келаётган «Афтад» радиофили газал бу икки буюк сўз санъаткорининг ижодий ҳамкорлигидан ёдгорлик сифатида қадрланди.

Лутфий ўз даври адабий ҳаётида устоз сифатида катта мавқега эга эди. Кексайиб бораётган шоирнинг уйи кўпчилик шогирдлар билан гавжум бўларди. Унинг яқин шогирдларидан бири Алишер Навоий ўз устози ҳақида гапирганда икки ўртадаги яқин инсоний муносабатларни ички бир ифтихор билан тилга олади. Навоий Лутфийдан назмиётнинг сирини синаётлари бобида кўп нарсани ўрганди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий ўзига ва ўзига замондош бўлиб яшаган туркий ўшлардан фақат Лутфий фазаларигагина муҳаммас ва мусаддаслар боғланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Замонавий адабиётимизда ҳам бу эзгу аъёнлар давом этиб келмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири устозимиз Абдулла Орипов кунини кеча халқимизнинг севимли шоири Жуманиёз Жабборовнинг «Кўнглим китоби» тўламини тақдирот маросимда бу китобда устоз Ойбекдан бошлаб, Рафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла

ЭЗГУЛИК ЧАРОҒБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боисдан халқимизга хос азалий аъёнлардан бири бўлган устоз-шогирд муносабатларини асло унутмаслигимиз лозим. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида чоп этилган «Маънавият юдузлари» китобини мутлолаб қилар экансиз, улуг алломаларимиз ўртасида устоз-шогирдлик аъёнлари гоёт юксак даражада бўлганини кўриш мумкин. Жумладан, китобдаги ушбу сатрларни ўқиб бениҳоят мутассир бўласиз. «Мавлоно Лутфийнинг Абдурахмон Жомийга ихлоси катта бўлган. У Жомийга «Сухан» радиофили касида ҳам бағишлаган. Умри охирида бошланғич байитининг на ёзишга улгурган «Афтад» радиофили газалини тугаллаб, ўз девонига киритишни Абдурахмон Жомийга васият қилган. Жомий кекса шоирнинг бу васиятини адо этган, бугунгача Жомий девонига яшаб келаётган «Афтад» радиофили газал бу икки буюк сўз санъаткорининг ижодий ҳамкорлигидан ёдгорлик сифатида қадрланди.

Қаҳор, Собир Абдулла, Миртемир, Зулфия, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ўлмас Умарбеков, Саида Зунунова ва Озод Шарафиддин каби устоз шоир, адиб ҳамда адабиётшуносларимиз номи чексиз эхтиром билан тилга олингани таҳсинга сазоворлиги, ўзи ҳам кўплаб ёш ижодкорларнинг тетапоя бўлиб, адабиётимизга кириб келишида муносиб ҳисса қўшиб, устозлик мақомига эришган шоир ва адиб Жуманиёз Жабборовнинг ўзбек адабиётида ўнмас из қолдирган

да ҳайдовчига: «Хой, ука, машинани секинроқ ҳайданг! Ойбек домланинг оромларини бузиб қўймайлик!» деб огоҳлантириб, машина секинлашга, кўллари кўксиларига қўйиб, мутоз адабиётимизнинг ҳовлиси томонга қараб: «Тинсалому алайкум, домла! Анчагининг бузган бўлсан, узр! Тунингиз хайрли бўлсин!» деб таъзим қилиб ўтар эканлар. Гарчи Ойбек домла ярим кечада, ўз уйи олдида олдида бўлаётган бу илтифот ва эхтиромлардан беҳабар бўлса-да, Миртемир домла ҳар гал бу

эътибор янада кучайди. Айни пайтда мактабларимизда замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-ўқувчи воситалар билан жиҳозлаш масаласида ҳам кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Ички ишлар вазирилик тизимидаги таълим муассасаларининг ҳам моддий-техник базасини бойитиш, уларни жаҳон андозлари муносиби равишда ўқув аудиториялар ҳамда синфхоналарни ўқитишнинг замонавий техника воситалари билан жиҳоз-

1 октябрь – ўқитувчилар ва мураббийлар кунини арафасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовнинг ички ишлар идоралари тизимларида, вазирилик таълим муассасаларида ёш авлоднинг тарбиялаш-дек эзгу ишларни амалга ошираётган устоз-мураббийларимизга йўл қалбаги байрам табриги улар қалбига олам-олам қувонч бахш этди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда устоз-мураббийларнинг ёшлар тарбияси борасида машаққатли меҳнатлари гоёт қадрланмоқда. Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарига 1 октябрь санасини нима сабабдан ўқитувчилар ва мураббийлар кунини сифатида умумхалқ байрами деб эълон қилингани ҳақида тўхталиб: «Бу байрам аввало ўзининг билим ва тажрибаларини, кўз нури ва қалб кўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қилганидан устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эътиборининг яққол намунаси» – деб алоҳида таъкидлаб ўтганини Фирқимизнинг яққол далилидир.

Халқимизда устозларимизни улугловчи мақоллар, шеър ва газаллар жуда кўп. Шулар қаторида: «Таълим берган устозингдан айрилма» деган қўшиқ бўлиб қалбларга сингиб кетган дилхаш ёбора ҳам бор. Илк мактаб кучоғидан тортиб, хар биримизнинг хозирги фаолиятимизга етиб келгунча, қанча йўл, қанча доволарни босиб ўтганмиз. Шу жараёнда кўплаб меҳридон устозлардан таълим олганмиз, яна кўплаб мураббийларнинг йўл-йўриқларига амал қилиб, иш тажрибамизни бойитганмиз. Ана шу азиз ва табарқот зотларини эслаш ва қадрлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фардир. Бугун уларга «Байрамимиз муборак бўлсин, азиз устоз-мураббийлар! Бахтимизга ҳамиша соғу омон бўлинг!» – дегимиз келади.

Зикрилла НЕЪМАТОВ, полковник.

Парламент ҳаёти



СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистонда истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Суд ҳокимияти ҳаққончилигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини судда химоя қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилди. Судлар жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослашди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Тўйхат ўрнида

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПИБ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгашининг аъзоси, истеъфодаги полковник Асатилла Ҳамидуллаев шу кунларда ўзининг 60 ёшлик юбилейини нишонлапти. Ўз касбини чуқур эгаллаган бу инсон бор билиминини, куч-гайратини, маҳоратини элу юрт тинчлик-осойишталиги йўлида бағишлади. У хизмат фаолияти мобайнида ИИБ Ташкент олий ҳарбий-техник билим юрти бошлигининг ўринбосари, Ташкент вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи каби масъулиятли лавозимларда ишлаб, ташкилотчилик, талабчан ва гамхўр раҳбарлигини кўрсатиб, ҳамкасблари ҳурматини қозongan.

Қарор ва ижро

Истиқлол бизга ўзлимизни, миллийлигимизни қайтариш билан бир қаторда янгидан-янги имкониятлар ҳам яратди. Жумладан, ёшлар учун жаҳон стандартларига мос ўқув бинолари, кутубхоналар, спорт заллари шулар сирасидандир. Кимдир бу имкониятдан самарали фойдаланаётган бўлса, бошқаси эса, аксинча. Айрим ёшлар билиб-билмай эгри йўлга кириб, ҳуқуқбузарликлар содир этипти, жиноятга қўл урмоқда. Қилмишга яраша жазо олганидан сўнг, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмапти. Бағрикенглик, кечиримлик қон-қонимизга сингиб кетган эзгу фазилатлардан бири. Қилган хатосини англаб, тўри йўлга кириб жамият ривожига

БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

ҳисса қўшишни истаган ёшлар айби афе этилиб, уларга яна ишонч билдириляпти. Республика Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасини мустақиллиги эълон қилинганининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори давлатимизда инсон ҳуқуқлари, унинг эркинликларини таъминлаётганининг яна бир далилидир. Жойларда Олий Мажлиси Сенатининг Қарори ижросини таъминлаш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, Зангиота тарбия

ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Пастдаргом туманидаги пахта қабул қилиш ва уни қайта ишлаш заводида мавсумда фаолият кўрсатаётган масканларнинг раҳбарлари, муҳандис ва технологлар иштирокида кенгайтирилган ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор етиштирилган ҳосилни энгил сочин кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиш, талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик ва ёнғиндан асраш масалаларига қаратилди. Вилоят «Пахтасаннат» бирлашмаси бош муҳандиси Зокир Назаров жойларда энгил хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Тадбирда шу кунга қадар амалга оширилган ишлар ва ечимини топаган камчиликлар муҳокама қилинди. Хусусан, пахта қабул қилиш ва уни қайта ишлаш корхоналарининг тайёрлиги, масканларда мавжуд пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш технологияси ҳамда агрегатларнинг сўнгги профилактик кўриқдан ўтказилгани, улар мавсумда бенуқсон, хавфсиз фаолият кўрсатиши кафолатлангани ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Шундан кейин пахтага ишлов бериш маскани ҳамда қайта ишлаш цехида «рўй берган» ёнғинни бартараф этиш учун корхона ёнғин ўчириш жағовар гуруҳи ва кўнглили ёнғин ўчириш дружиниси ўқув машинани бажаришга киришди. Қисқа дақиқаларда ёнғин ўчириш экипажи шахсий таркиби ёнғин ўчириш автоцистернасида етиб келиб, ёнғиннинг дастлабки нуқтасида алангани ўчиришга киришди. Машуғул давомиди ёнғин ўчириш дружиниси вакилларига тезкорлик ва оқилона ҳаракатлар ўз самарасини бериши, энг асосийси, муҳим жараён кечиктирилмай бажарилиши зарурлиги ўқтирилди.



«ПАХТА – 2010»

ИИБ Матбуот маркази хабарлари

ДОРИ-ДАРМОН ОРҚАЛАГАН ЙИГИТ

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида антика ўғирлик содир этилди. Янгиарик туманида яшовчи, муқаддам судланган С. Содик «Дори-дармон» акциядорлик жамиятида меҳнат қилиб, ризқ-насиба топишига қарамай, шу жамиятга қарашли омборхона томини бузиб, ичкарига тушди.

«МАТИЗ» ЯНА ЭГАСИДА

Номаълум шахс Ташкент шаҳри Миробод туманида яшовчи Х. Баходирга тегишли «Матиз» русумли автомашинани ҳовлисида ўғирлаб кетди. Гумондорни аниқлаш бўйича олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Ушбу жиноятни Сурхондарё вилояти Термиз туманида яшовчи, 16 ёшли Н. Ортиқ содир этгани аниқланди.

ЖАБР КЎРГАН ҲАМШИРА

Бухоро шаҳрида номаълум шахс Ғиждўвон туманидаги қон қўйиш маркази ҳамшираси Х. Зебинсонинг буйиндан тилла занжирини тортиб олиб кетган эди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иш қўзғатилиб, талончини аниқлаш ва қўлга олишга киришилди. Изакуварларнинг саъй-ҳаракати билан ушбу жиноятни Бухоро туманида яшовчи М. Аҳад содир этгани маълум бўлди.

ЗЎРАВОН ОБРЎ ТОПМАДИ

Номаълум шахс Чирчиқ шаҳрида уй бекаси А. Мавжуднинг қўлидан ичиди 450 минг сўм пули бўлган сумкасини зўрлик ишлатиб олиб қўйди. Суриштирув ишлари натижасида ушбу жиноятчи Бўстонлик туманида яшовчи, муқаддам судланган А. Дониер содир этгани аниқланди, ушланди.



Норали ОЧИЛОВ, катта лейтенант.

Бобомурод ТОШЕВ.

Қ. ЭРҒАШЕВ, полковник. Самарқанд вилояти.

МУАЛЛИМ – МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ, ВАТАН

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ

Мана, ўн тўққиз йилдирки, истиқлол туфайли юртимиздаги ўқитувчи ва мураббийларга ҳурмат-эътибор кучайиб, улар ўзларининг касб байрамларини муносиб тарзда нишонлаб келишаётир. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳам ана шу мақомга эришгунга қадар машаққатли синовларни босиб ўтган билим даргоҳлари сирасидан. Кадрлар тайёрлаш йўлида мазкур даргоҳда заҳмат чеқкан инсонлар, офицер ва мураббийлар жуда кўп бўлган. Уларнинг мақсадлари ҳам муштарак эди: истиқлолга эришиб, ўз ватанимизга муносиб ёшларни етиштиришни доимо орзу қиларди. Катта карвоннинг умидлари ушалди. Бу кунларни кўриш уларнинг кўпчилигига насиб этган эмас. Аммо улар қадангани ниҳоллар эндиликда ўз мевасини бермоқда.

Ёш кадрларни тайёрлаш, уларни эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида фидойи инсонлар этиб тарбиялашда аъёнага айланган тажрибаларга таянаётган устозлар бу ерда жуда кўпчиликини ташкил этади. Ана шундайлардан бири «Жиноятларнинг олдини олиш» кафедраси бош-

лиги, юридик фанлар доктори профессор, полковник Исамиддин Исмоиловдир.

У кишининг болалик ва ёшлик йиллари кўпчиликнидан айтарли фарқ қилмайди. Аммо шу пайтгача босган қадамнинг ҳар бири орзу-хавас, илмга интилиш, келажак пойдеворини яратишда, баркамол ёшларни тарбиялашда озми-кўп бўлсин, ўз ҳиссасини қўшишга қаратилгани амалга ошираётган ишларидан ҳам яққол кўзга ташланади.

ИИВ Академиясида фаолият бошлагани истиқлолнинг дастлабки кўни билан баравар. Ушбу давр орилигида ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра бошлигининг ўринбосари, бўлим бошлиги, илмий котиб, докторант ва кафедра бошлиги даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Албатта, меҳнат самараси йўл билан эмас, эзгу ишлар орқали сарҳисобланиши табиий ҳол. Ортага назар таш-

ланса, бу борада айтса, арзигулик илмий изланишлар олиб борди. 100 дан ортққилмилий ва ўқув-услубий ишлар, 1 та монография, 5 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма, 12 та ўқув-методик қўлланмалар эндиликда нафақат ИИВ Академиясида таҳсил олаётган ёшлар учун, балки бошқа кўплаб олий ва ўрта махсус ўқув юртидагиларга ҳам муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жиноятларга қарши кураш ва уларни «иссиқ изида» очиш бўйича дастур ҳамда қўлланмалар ҳар даврда ҳам шу соҳага дахлдор кишилар учун долзарб ҳисобланган. Шундай бўлса-да, эскирган йўриқнома ва дарсликлар бугунги давр талабига ҳамоҳанг бўлмаётгани кўпчиликни қийнаётганди. Устоз-олим масаланинг бу жиҳатларини ўйлаб, тажрибаларга таянди, кўп йиллар из-

ланди. Самараси зое кетмади: ўн йил аввал у кишининг саъй-ҳаракати туфайли ўзбек тилида биринчи марта «Криминология» дарслиги яратилди. Бу дарслик эндиликда кўплабга асқотаяпти.

Изланувчан олим ёш мутахассисларни давр талаби асосида тарбиялаш билан чекланиб қолмай, қонун лойиҳалари ҳамда қонун ости меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда ҳам фаол иштирок этаётганлардан бири.

Барибир, асосий масала ёшларни муносиб издошлар қилиб тарбиялашга қаратилгани Исамиддин ака билан қилган суҳбатимиз асосида яққол сезилиб турарди. Дарвоқе, бу борада мазкур кафедрада барча шароитлар яратилган. Тингловчиларнинг танлаган ихтисосликлари бўйича замонавий билимлар олиши учун дарслик ва дастурлар, энг сўнгги русумдаги технология ҳамда қўлланмалар етарлича.

Бундан ташқари, ёш тингловчи-

лар шурида назария ва амалиётнинг ҳамоҳанг бўлиши учун ҳам алоҳида режалар ишлаб чиқилган. Унга қўра, ёшлар машғулотлардан сўнг Юнусобод туманида жойлашган 2-Меҳрибонлик уйида бўлиб, бу ерда тарбияланаётганлар билан

мулоқотлар қилишади, ободонлаштириш ишларида кўмаклашиб, ўғил-қизларга спорт турларини ўргатишади, ҳаётий воқеалардан жиноятчиликнинг хунук оқибатларидан сўзлаб беришади, турли қизиқарли тадбирлар уюштиришади.

Бунинг афзаллиги шундаки, ёшлар ўқиш ва амалиёт сифатида вояга етмаганлар билан ишлаш, уларнинг ҳулқ-атворини ўрганиш, умуман, жамиятдаги баъзи кишиларнинг фарзанд тарбиясидаги эътиборсизлигини талабалик босқичидан оқибат, буларнинг олдини олишга кўникмалар ҳосил қилишади.

Исамиддин Исмоиловнинг кўп йиллик меҳнати самараси исзис

кетмапти: ўтган даврда эл-юртга фидойи ўнлаб шогирдлар етиштирди. Унинг илмий раҳбарлигида уч нафар тадқиқотчи диссертацияни ҳимоя қилиб, юридик фанлар номзоди илмий даражасини олди, яна беш нафар ёшларнинг эса илмий раҳбари.

Суҳбатимизни телефон қўнғироғи бўлиб қўйди. Гушакни кўтарган Исамиддин аканинг бироздан сўнг юзларида табассум балди:

– Бухоро вилояти ИИВда хизмат қилаётган шогирдимиз Фахриддин Бахронов экан. – «Профилактика инспекторининг услубий қўлланмаси» номли китобини чоп этибди, – деди у киши қувончини яширолмади.

Ҳа, Исамиддин аканинг умидли ниҳолларидан яна бири ҳосилга кирганидан далолат эди, бу. Ахир, шундай пайтда у қувонмай, ким қувонсин! Қолаверса, ҳақиқий шогирднинг ўз устозига байрам табриғи, миннатдорчилигининг рамзи у яратган китобда акс этгани шубҳасиздир.

Барча устоз ва мураббийлар қатори Исамиддин Исмоилов ҳақида ҳам кўп ва хўп ёзиш мумкин. Аммо бир нарса аён: ана шундай фидойи, ёшларнинг меҳрибон устози туфайли ҳаётимиз янада фаровон, юртимиз осойишталиги барқарорлашмоқда. Зеро, бундай инсонлардан илм олган, ҳаётий тажрибаларидан баҳраманд бўлганлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмаслиги аниқ.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.



ЧЎҚҚИЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН УСТОЗ

Республика ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида таълим-тарбия жараёни юксак интеллектуал салоҳиятга, мустақкам амалий кўникмаларга эга кадрларни тарбиялашга қаратилган. Ички ишлар тизими учун профессионал, етук офицерларни тайёрлашда профессор-ўқитувчиларнинг ҳам ҳиссалари бекиёс. Билим масканининг ана шундай педагогларидан бири Икром Назаровдир.

Ёши саксонни қоралаб қолган, аммо ҳаракатчан Икром аканинг ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикояларини тинглаб, жасоратига яна бир бор қойил қоласан, киши. Болаликдан ҳар қимнинг ўз севган, орзу қилган соҳаси бўлади. Тошкент шаҳрида туғилиб, вояга етган, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг география факультетини тамомлаган Икром эса юксак тоғларни забт этишга, альпинист бўлишга астойдил бел боғлаган эди. Унинг бу йўлдаги ҳаракатларини «Буревестник» спорт жамиятидагилар қўллаб-қувватлашди. Дастлаб мураббий Альберт Арзанов раҳбарлигида Чимён этақларида соҳанинг сир-асрорлари билан танишди.

Нихоят, 1954 йилда биринчи марта Помир тоғидаги Липкин чўққисига йўл олади. Бир йилдан сўнг эса Тянь-Шань тоғидаги «Ғалаба» чўққиси сари интилди. Бу саъй-ҳаракатлар ёш альпинист учун ўзига хос синов мактаби бўлди. Учинчи уриниш эса муваффақиятли якунланди. Ушанда 7134 метр баландликка кўтарилган эди. Кейинчалик у бундай чўққиларни кўп бора забт этди. Альпинизм бўйича спорт устаси нормативини бажарди.

Бу йўлда И. Назаров озмунча заҳматлар чеқмади. Турли тасодифлардан омон қолди. Айниқса, унинг Иналчек музликка кўтарилиши осон кечмади. У тубсиз жарликка кулаб, ушунини йўқотганди. Фақат ҳамроҳларининг саъй-ҳаракатлари билангина омон қолди. Бундай ҳолларда у ўзини қўлга ола билди. Иродаси, матонати билан қийинчиликларни енгиб ўтди, ортага чекинмади, изланишда давом этди.

Чўққига кўтарилишининг ҳам ўз гашти бўлади. Федченко музлиги, 7,5 минг метрлик баландликдаги ажиб манзара Икром аканинг ҳамон кўз ўнгида. Чўққининг бир тарафидан зим-зиёлик, иккинчи томонидан эса тонг отиб келаяпти. Осмонда юлдузлар жинга қила-



Суратда: Икром Назаров шогирдлари даврасида.

ди. Оёғинг тагида абадий музлик. Бундай гўзалликни тасвирлашга мусавирнинг ҳам қалами ожизлик қилади. Ана шунда бутун чарчоқларинг, олган жароҳатларинг ҳам унутилиб кетади. Узингни ер юзидаги энг бахтли одам ҳис этасан. Қалбингга янги орзулар, режалар пайдо бўлади.

Альпинизмда шундай аъёна бор: чўққи забт этилгач, иштирокчилар давра қуриб ўтиришади ва ўз мамлакатлари байроғини бошлари узра кўтаришади. Бундай шараф И. Назаровга бир неча бор насиб этган.

– Республикаимиз тоғларини қадам-бақадам кезиб чиққанман, десам асло муболага бўлмайди. Шунинг учун унинг барча баланд-пастликлари менга таниш. Ишдан бўш пайтларимда уйда ўтира олмаман. Тоғлар сари, айниқ-

– Бунинг учун улар энг аввало, юқори жисмоний тайёргарликка, тоғ чўққиларини забт этиш амалий кўникмаларига эга бўлишлари керак, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Икром Назаров.

Унинг 30 дан ортққ услубий қўлланмалари, китоблари нашр этилган. Айниқса, 2005 йилда чоп этилган «Горная подготовка» («Тоғ тайёргарлиги») китоби республикамиздаги шу соҳага оид олий ўқув юртиларида ҳам қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда. И. Назаровнинг кўплаб шогирдлари республика миқёсида эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида астойдил хизмат қилишмоқда. Майорлар Эркабой Усенов, Ҳасан Каримов, лейтенантлар Зафар Унаров, Баҳром Ибрагимов, Камолиддин Пулатходжаев, Баҳодир Йўлдошевлар хизматда Икром аканинг йўл-йўриқ ва маслаҳатларига доимо амал қилиб келишади. Ана шундай олижаноб устозга шогирд эканликларидан фахрлиниб юришади.

У киши ҳақида узоқ йиллар бирга ишлаган ҳамкасбларининг фикрларини сўрадик. ИИВ ТОХТБЮ бошлигининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Шукрулло Мўхаммадулов:

– Икром Назаров меҳрибон ва талабчан устоз. Унинг «Тоғ тайёргарлиги» китоби курсантлар учун мукаммал қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Устозни ўз касбининг фидойиси, десак асло янглишмаган бўлаемиз.

Билим юрти тарбиявий ишлар бўлими бошлиги, подполковник Рустам Файзуллаев:

– Икром ака камтарин, олижаноб инсон. Ёшларнинг меҳрибон мураббийси, устози. У киши жамоамиз фахри.

Инсонга бундан ортққ баҳо бўлма-са керак. Икром ака ҳар гал бирор шогирдининг муваффақиятини эшитганида яна бир чўққини забт этгандай қувончга тўлади. Шогирдларининг камолини кўриб уларнинг ютуқларидан фахрлиниб юриш эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Устозлар байрами кунинда уни йўқлаб, айём билан кутлаб келадиганларнинг сону саногига этиб бўлмайди...

Фурқат **ХОЛИКУЛОВ**, «Поста» муҳбири.

УЛУФ НОМГА ЭРИШИШ ОСОН ЭМАС



Жумабой ака фаолиятини рота, батальон ва ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларидан бошлади. Танлаган соҳасини севиши, тиришқоқлиги, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор чиқара олиши туфайли аста-секин хизмат пиллапояларидан ўсиб борди. Лейтенантликдан полковниккача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. У киши ИИВ Академиясида ўқув курслари бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

– Баркамол авлод йили мазкур соҳада хизмат қилаётган, мураббийлик даражасига етган ҳарбий хизматчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки ҳозирда қўшинларимиз сафида хизмат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Уларни ўқитиш, тарбиялаш ва интеллектуал са-

возимида хизмат қилаётган подполковник Эргашбой Носировнинг ҳам жамоада ўз ўрни бор.

Жумабой ака кўп йиллардан буён турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, шахсий таркиб ўртасида хурмат-эътибор қозонган устоз офицерлардан биридир. Ҳозирда ҳам у киши ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

– Баркамол авлод йили мазкур соҳада хизмат қилаётган, мураббийлик даражасига етган ҳарбий хизматчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки ҳозирда қўшинларимиз сафида хизмат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Уларни ўқитиш, тарбиялаш ва интеллектуал са-

Шундай инсонлар борки, улар ҳақида фахрлиниб, гурурланиб гапиргинг ва амалга ошираётган эзгу ишларини ёшларга намуна қилиб, ибрат олгинг келади. Ана шундай инсонлардан бири, юрт ҳимоясига, эл қорига камарбаста бўлиб, Ватан олдидаги шарафли бурчини муносиб бажариб, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиб, ёш кадрларга тажрибаларини ўргатиб келётган полковник Жумабой Носировдир.

лоҳиятини ошириб бориш олдимиздаги муҳим вазифалардан биридир. Шунини айтиш мумкинки, замонавий ҳарбий хизматчи энг аввало, Ватани, халқи олдидаги ўз бурчини чуқур хис қилиши, ҳарбий хизмат ва касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориши керак. Бунинг учун эса у зарур билим ва тажрибага эга бўлиши, жисмонан, маънавий жиҳатдан етук, энг муҳими, ўз бурчини юқори даражада бажариши лозим. Агарда бундай жиҳатларни шахсий таркибга етказолмасак – бу бизнинг энг катта утуғимиздир, – дейди полковник Жумабой Носиров.

Ҳа, устоз деган ном улуг, унга сазовор бўлиш эса ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган бахт.

Баҳриддин **ЛУТФУЛЛАЕВ**, катта сержант.



ИСТИҚБОЛИНИНГ АСЛ БУНЁДКОРИДИР

Ислом КАРИМОВ.

ТАЛАБЧАН УСТОЗ, ИЗЛАНУВЧАН ОЛИМ

Бир ривоятда айтилишича, машхур саркарда Искандардан сўрабдилар:

– Сен устозингни ота-онангдан ҳам кўпроқ ҳурмат қилар экансан, шу ростми?
– Ҳа, худди шундай, – дебди саркарда.

– Ажаб, бунинг босиси не? – сўрабдилар яна ундан.

– Чунки ота-онам йўқлик осмонидан олиб тушдилар, устозим эса ердан кўкка кўтарди, – деб жавоб берибди Искандар.



Дарҳақиқат, илму адабдан, касб-хунар сирларидан сабоқ берган устоз ва мураббийлар азалдан улуғланиб, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келинган. Зеро, устозлар ўзларининг машаққатли, шу билан бирга, шарафли хизматлари, илм чироқлари билан шогирдлари йўлини мудом нурафшон этади. Ана шундай заҳматқаш мураббийлардан бири Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ҳузуридаги Илмий-тадқиқот маркази бошлиғи, полковник Миржалил Усмоновдир.

Тошкент шаҳрида, хунарманд оиласида таваллуд топган Миржалил ака Тошкент давлат университети (ҳозирги УЗМУ)нинг физика-математика факультетида ўқиган йиллари ўзининг билимга чанқоқлиги, интилувчанлиги, тиришқоқлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турди. Шунинг учун олий ўқув даргоҳини битириш арафасида унга Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг аспирантура бўлимида таҳсил олиш, илмий-тадқиқот олиб бориш учун йўлан-

ма берилди. Тинимсиз илмий изланишлар ва амалий тажрибалар туфайли номзодлик ишини Ҳимоя қилди.

– Ана шундан сўнг, аниқроғи, 1981 йилдан буён ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида хизмат қилиб келаяман, – дейди у киши. – Ўтган йилларда кўплаб ёшларга сабоқ бердим ва улар ички ишлар идораларида ёнғин хавфсизлиги соҳаси бўйича турли лавозимларда фаолият кўрсатишмоқда. Шогирдларнинг эл-юртга нафти тегаётганини кўриб кўксим тоғдек кўтарилди. Шогирдлар камоли – устозлар бахти, деб бежиз айтишмаган, ахир!

М. Усмонов кўп йиллар ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида самарали фаолият юритди. 2002 йилдан бери ушбу масканда ташкил этилган Илмий-тадқиқот марказини бошқариб келаяптир. Айни пайтда у кишининг раҳбарлигида Ш. Қурбонбоев, Ш. Отабоев, В. Боркин, Б. Ҳасанов, А. Лиятга, Ш. Муллаянов сингари

юқори малакали ва салоҳият-ли ходимлар фаол тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ёнғин хавфсизлигига доир ихтиролар, янгидан яратилган турли ускуналар синовдан ўтказилиб, улардан таълим жараёнида, амалий машғулотларда кенг фойдаланилмоқда. Эътиборлиси, илмий-тадқиқот ишларига мактаб ўқитувчиларидан тортиб республикамизнинг кўзга кўринган олимлари, амалиётчи шифокорларга ҳам жалб этилмоқда. Бу ўз навбатида, олий техник мактаб курсантларининг назарий билим ҳамда амалий кўникмаларни талаб даражасида эгаллашларида кўл келмоқда. Қолаверса, ёш курсантларнинг илмга бўлган иштиёқ ва қизиқишлари орттиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, олим ўзининг кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти, мобайнида ўнлаб ўқув-методик қўлланмалар, илмий-оммабоп рисоалар яратди. «Тўсиқли конструкцияларга термик таъсирларнинг оқибатлари: ёнғин ва иссиқликни сақлаш жойлари экспертизасининг янги методлари» номи монография,

йигирмага яқин ихтиролар шулар жумласидан.

Камтарин инсон, талабчан педагог, изланувчан олим полковник Миржалил Усмоновнинг меҳнатлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб тақдирланган: унинг кўксини «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» фахрий унвони беэаб турибди.

– Элу юрт тинчлиги ва осойишталиги учун, қолаверса, давлат, жамият ҳамда фуқароларнинг мол-мулкни ёнғиндан асраш йўлида хизмат қилиш ғоят шарафлидир, – дейди Миржалил ака.

Ҳа, ўз касб-коридан қониқиш хисси кишини янги-янги зафарларга ундайди. Талабчан педагог, изланувчан олим ва ихтирочи, полковник Миржалил Усмоновнинг шарафли касби, қунт ва ғайрат билан амалга ошираётган илмий изланишлари – бу инсон умрининг мазмун-моҳияти кўпчилиқка ибрат бўлгудир.

Камол АЛЛАЁРОВ.
Суратда: полковник М.Усмонов машғулот пайтида.

Олтиариқ тумани ИИБ шахсий таркиби ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этиш борасида зиммаларидаги вазифани сикидилдан бажармоқда.

Ходимларимиз тинчлик ва осойишталиқни таъминлаш мақсадида кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда ўтказилаётган «Тозалаш», «Анти-террор» ва бошқа тадбирларда фаол қатнашиб, юқори даражадаги касб маҳоратларини намойиш этишмоқда. Ички ишлар идоралари фаолиятининг самардорлиги, аввало, жамоадаги ахлоқий-руҳий муҳитга боғлиқ. Ходимлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш, оилавий шароитидан тортиб, юриш-туриши ва хизмат фаолияти бевосита раҳбарлари эътиборида бўлишига эришиш, шахсий таркибни бир оила фарзандларидек жамоа мавқеи учун сикидилдан хизмат қилишга руҳлантириш орқали олдимизга қўйилган масъулиятли вазифаларни адо этишга ҳаракат қилаёلمиз.

Хизмат интизоми ва қонунчиликни мустақамлашдаги энг муҳим омил тарбия ҳисобланади. Шунини инобатга олиб, шахсий таркиб ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни давр талаби асосида ташкил қилиш диққат-марказида бўлапти. Ходимлар ўзлари хизмат қилаётган жойни муқаддас маскан сифатида улуғлашлари, у ерда бир-бирига ҳурмат, меҳр-оқибат, бурчга садоқат туйғулари устун бўлган ахлоқий-руҳий муҳит мавжуд бўлиши керак.

Шу мақсадда ходимларга етарлича шарт-шароитлар яратиб берилапти. Бўлимимизда, айниқса, ёш ходимларни тарбиялаш, уларга хизматнинг сирасорларини ўргатишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Уларга мураббийлар бириктириш ва фаолиятини ташкил этиш муҳим масалалар сирасидан. Мураб-

бийларнинг шогирдлари билан олиб бораётган ишлари, шунингдек, ёш ходимнинг кўникма-

ҲАМЖИҲАТЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ларни ўзлаштириб бориши ҳақидаги хисоботлар тингланиб, тегишлича маслаҳатлар берилмоқда.

Ходимларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билим савияси, жанговар хизмат тайёрларлигини ошириш фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Белгиланган тар-

тиб асосида ўтказилаётган маърифат дарси, сиёсий-ижтимоий сабоқ, жанговар хизмат тайёрларлиги, жисмоний тарбия машғулотлари, ўқ отиш машқлари уларнинг билим ва тажрибаларини мустақамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Милиция сифиди хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг қадди-қомати келишган, чехраси ёруғ, истараси иссиқ, озода ва тартибли кийинган ҳамда бошқаларга ўрнак бўладиган даражада интизомли бўлиши керак, шунингдек, халқнинг осойишталигини таъминлашда ўз касбига меҳр қўйиб, виждонан хизмат қилишлари, халқимиз эса ўзларининг шундай посбонлари ва Ҳимоячилари борлигига

ишониб, фахрланиб юришлари лозим», деган эдилар.

Юртбошимизнинг ушбу сўзларини ўзларига дастуриламал қилиб олган Олтиариқ тумани ИИБ шахсий таркиби ана шундай эътибор ва эътирофга сазовор бўлишга интилишмоқда.

Шухратжон РАҲИМЖОНОВ,
майор.



Суратда: мураббий ва шогирдлар ўзаро суҳбатлашишмоқда. Бўрибой ОМОНЗОДА олган сурат.

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси соҳавий хизматлари орасида Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси алоҳида ажралиб туради, десак муболаға бўлмас. Чунки ЁХБ ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришга бўлган муносабатлари, бошқармада шахсий таркиб учун етарли шарт-шароитлар яратилганлиги ва бошқа кўплаб ижобий омиллар юқоридаги фикримизга ҳамоҳанг. Эътиборли жиҳатлардан яна бири шундаки, бошқарма шахсий таркибининг устозлар ўғитига таяниб, уларнинг восидидаги панд-насиҳатларига қулоқ тутиб меҳнат қилаётганлигидир. Кўпларнинг устози бўлган яхши инсонлардан бири, ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари, полковник Тоҳритдин Нажимов ҳақида соҳадагилар билишади.

МАКТАБ ЯРАТГАН МУРАББИЙ

Айтишларича, ўз соҳасининг кўрилишида бош-қош бўлди. Жумладан, Зангиота тумани ИИБ ёнғиндан муҳофаза қилувчи 15-кабийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми биноси замонавий турда тўлиқ таъмирланди. Айниқса, Қибрай туманидаги Маданият ёнғин хавфсизлиги қисмининг бунёдга келишида у кишининг хизмати катта. Ҳозир ушбу қисм ходимлари ўзларига яратилган шароитлардан миннатдор.

Касалини даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал, дейди доно халқимиз. Шу маънода ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғинга сабаб бўлувчи ҳолатларни бартараф этиш ҳам энг муҳим вазифалардан саналади. Бу йўналишдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Т. Нажимов ташаббуси билан вилоят ИИБ ЁХБ ходимларининг жойларда маҳалла фаоллари билан биргаликдаги тарғибот, тушунти-

риш ишларини олиб боришларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада вилоят ҳудудида юз бераётган ёнғинлар ҳамда уларда тан жароҳати олаётган фуқаролар сонининг бир мунча камайишига эришилди.

Ходимларнинг касбий маҳорати ва амалий иш тажрибасини оширишга, уларнинг билим савиясини юксалтиришга қаратилган ишлар, ёш ходимларни ўқитиш борасидаги тадбирлар ҳам намунали йўлга қўйилди.

Маърифат хоналари замонавий асбоб-анжомлар билан тўлиқ таъминланди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасида спорт-соғломлаштириш тадбирларини мунтазам равишда ўтказиб бориш аънамага айланди. Шунинг учун вилоят ИИБ ЁХБ ходимлари ҳозирги вақтда ҳам ёнғин учирини амалий спорт тури бўйича республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда

фахрли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Ўтган йилда эса вилоят ИИБда футбол бўйича ўтказилган мусобақада ЁХБ жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Бу муваффақиятлар албатта, бир инсоннинг ўзи томонидан осонгина амалга ошириладиган юмушлар эмас. Бу жараёнда у ходимларга, кўп сонли шахсий таркибга суянади. Раҳбаридан ибрат олиб ишлайдиган ходим эса, фақат ижобий ютуқлар сари ҳаракат қилади.

Полковник Тоҳритдин Нажимовнинг бирор топшириқни ўз вақтида бажармаган ёки ишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган ходимдан жажли чикса, уни етарлича қойиши, жазолаши мумкин. Бироқ орадан бироз вақт ўтиб, ўша ходимнинг кўнглини кўтаришга, дилида гина-қудурат қолмаслигига ҳаракат қилиши тайин. Бунинг учун кишининг шогирдлари ҳам таъкидлашади.

Халқимизда: «Яхшилик қил, сувга от, билса балиқ билар, билмаса холик», деган ҳикмат бор. Тоҳритдин аканинг ички ишлар идораларидан нафақага чиққан кексалар, фахрийлар ҳолидан доимо бохабар бўлиб туришлари, уларга ёрдам кўрсатиб, кўнглини кўтаришга интилиши ҳам инсоний хислатларидан биридир.

– Бу инсон ҳар бир ходимнинг оиласини биладиган, қувончу-ташвишини бирга ҳис қилаётганлардан, – дейди бошқарма хотин-қизлар кенгаши раиси, майор Лобар Саматова. – Бўстонлик тумани ҳудудидаги 18-ҲҲҚда ишлаб, хизмат вазифасини бажариш чоғида фожиали ҳалок бўлган ходимимиз Икромжон Саидахмедовнинг оиласидан ҳам доимо хабар олиб, уларга ёрдам кўрсатиб келади. Олмалиқ шаҳрида юз берган ёнғинда ҳалок бўлган Иброҳим Мирзалиевнинг оила

аъзолари учун уй-жой ажрати-лишида ҳам у киши бош-қош бўлганди.

Устоз яратган мактабда таҳсил олган шогирдлардан бири, подполковник Тоҳир Арипов бугунги кунда вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

– Устоз кўп йиллар ёнғин хавфсизлиги хизматида ҳалол меҳнат қилиб, соҳанинг ҳар бир йўналишини пухта биладиган етук мутахассис, – дейди подполковник. – У инсондан ҳам касбий фаолиятимизда, ҳам ҳаётда кўп нарсаларни ўрган-дик. Тоҳритдин аканинг ёнғинни бартараф этишга биринчилардан бўлиб киришишларига, шижоатига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

У кишининг хизматдаги ютуқлари, бой тажрибасини ёшларга ўргатиш борасидаги ишлари муносиб баҳоланиб, Юртбошимиз Фармонида кўра, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланган.

Хуршид РЎЗИЕВ,
лейтенант.
Тошкент вилояти.



Кимда бўлса ақлу
илм ҳам тамия,
Ақлу доғиш аҳлини
тутади азия.
Фаридиддин АТТОР.

Билиминг осмонга
етган бўлса ҳам,
Бошқалар илмига
қулоқ сол ҳар дам.
Абу Шукр БАЛХИЙ.

Маърифат дарси

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНА БУРЧИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида оила ва фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. «Оила саломатлиги», «Соғлом она – соғлом авлод» тадбирларини ташкил этиш, оила нуфузини ошириш, ота-оналарни фарзанд тарбиясига эътиборли бўлишга даъват этади.

мин, фарзанд учун намуна мактабидир. Табиатан эркак ва аёл жинсига ҳос мусуниятлар бўлгани каби оилада улар бажарадиган меҳнат турлари, фарзанд, оила, қариндош-уруғ, жамият олдидagi бурч ва вазифалар мавжуд. Эр-хотиннинг ўз бурч ва вазифаларига масъулият билан ёндашишлари оқибатида оилада моддий фаровонлик ва маънавий барқарорлик, тинчлик, соғлом маънавий муҳит вужудга келади.

асосий мезонидир. Оила бокаётган отани кўрган ўғил келгусида ўзи мустақил оила тебратишга, ота топиб келган нарсаларни саранжом-саришта қилиб, тежаб-тергаб сарфлаётган онани кўрган қиз эса келгусида оила бекаси бўлишга тайёр бўлиб боради. Отадаги ишбилармонлик, тадбиркорлик, муомала маданияти, босиқлик, талабчанлик, кўп хунарлилик, ҳалоллик, оиласига, хотинига нисбатан садоқати ҳам шу оилада ўсаётган фарзандлар учун намуна мактабидир.

Оилада онанинг ўрни отаникидан кам эмас. Халқимиз «Эр – бош, хотин – бўйин», «Эр – шоҳ, хотин – вазир», деб бежиз айтмаган.

Хотин киши уй бекаси сифатида онанинг барча юмушларига масъулдир. Хонадоннинг осойишталиги, рўзгордаги тартиб-интизом, оила аъзоларининг умрбоқийлиги, тинч-тотув, файзли ҳаёт аёл кишига боғлиқ.

Уддабурон, режали, тадбиркор аёл – оилада тўкин-сочинликни бунёд эта олади. Унинг ақли бўлса, оиладан кут-баракат кетади, оила жағмараси инкирозга юз тутади. Оиладаги барча масалалар юзасидан эрга маълумот берувчи, маслаҳат, ота ва фарзанд муносабатларини йўлга қўювчи онадир. Оилада аёлнинг садоқати, озодаллиги, ширин муомаласи қизлар учун намуна вазифини ўтайди. Онанинг меҳмон қутлиши, таомлар тайёрлаши, муомала ва кийиниш маданиятига риоя этиши, бола тарбиялаши, маънавий саводхонлиги қиз бола учун оила дорилфунундир.

Оиладаги маънавий соғлом муҳитни яратиш ота-онага бирдек боғлиқ. Баъзан жамият чўққанда бир-бирини тушунамаслик, ишонч билдира олмаслик, тақсимоти йўлига қўйиш, фарзанд тарбиясига бирдек масъулият билан ёндашиш ота-онанинг оила олдидagi муқаддас бурчи ҳисобланади.

Фарзандни тўрт мучаси соғ ҳолда дунёга келтириш, унга чиройли исм қўйиш, тарбия бериш, илм ўргатиш, касб-хунарли қилиш, балоғатга етганида уйлантириш ёки турмушга бериш, ҳаётда турри йўл кўрсатиш шулар жумласидандир. Унга меъридан ортик мол ҳаёт этиш, барча хоҳиш-истакларини муҳайё қилиш, оилали бўлганда фарзанди бажариши лозим бўлган юмушларни ўз зиммасига олиш ота-онанинг вазифасига қирмайди. Бурч ниқоби остида фарзандга қилинадиган меъёрдан ортик меҳрибончилик уни ишқмас, ота-она қадрини билмайдиган бўлиб ўсишига олиб келади. Бундай фарзанд бурчини тўлик адо эта олмайд.

Ота-онанинг фарзанд олдидagi бурчи қанчалик масъулиятли бўлса, фарзанднинг ҳам улар олдидagi бурчи шунчалик муҳимдир: ҳурмат қилиш, улар дилини ранжитмаслик, итоатли бўлиш, кейсаяшган моддий ва маънавий қўллаш, улар кўрган оила деб аталмиш қалбини маънавий-ахлоқий пойдеворини мустаҳкам сақлаш, уларнинг дустлари, ёру биродарларининг ҳам ҳурматини жойига қўйиш, оламдан ўтганларида хотираларини қадрлаш ва ёд этиш – фарзанднинг бурчидир.

Демак, ота-онанинг оиладаги ўрни беқиёс бўлиб, улар ўз бурчларини тўлик адо этганларидagina баркамол авлоднинг камолати йўлида ўзлари кутган натижаларга эришади.

Ойша ХАСИМБОВА, Низомиёи НОМИНОВ Тошкент давлат педагогика университети профессори.

Сиёсий-ижтимоий сабоқ

Тўғриси айтиш, қўни-қўшинингизнинг ёки танишингизнинг миллати билан қизиққанисиз?! Бизнингча, Ўзбекистонда камдан-кам одам бунга эътибор беради. Агар такрор сўрасангиз, миллатнинг нима аҳамияти бор, яхши қўшни бўлса бўлди-да, деган жавобни эшитасиз. Бизда миллатлар ўртасидаги тотувлик ана шундай уйғунлашиб кетган. Бу жамиятимизнинг ҳаёт қонунига айланаб қолган.

Ҳуш, қачондан бери, дейдиганлар бўлиши мумкин. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Ислоҳ Қаринов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришган тантанали маросимда шундай деганди: «Халқимизга минг раҳмат айтмоқчиман: фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги тотувлик, тенглик, осойишталикни сақлаб, мустақамлаб туришибди. Дини, эътиқоди, миллатига қараб ажратиш фалокат эканлигини, офат эканлигини, у ҳаммани жарга қулатишини одамлар тушуниб олишди. Шунинг учун ҳам уларга яна бир қарра раҳмат дейман». Тўғриси, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакиллари ўша пайтда эмирилган собиқ иттифоқнинг айрим ҳудудларида юз берган алғов-далғов вазиятлардан сабоқ олиб, мустақил юрда миллий тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш борасида тўғри йўлни танлаб олдилар. Шундан бери турли миллатга мансуб Ўзбекистон фуқаролари бу йўлдан адашмадилар. Аввало, бунга сабаб шуки, юрда миллий тотувлик ва бағрикенгликни таъминлашда давлатнинг ўзи ташкилоти ва ташаббускор бўлди.

Ўтган ўн тўққиз йилга бир назар ташланг, жамиятимизда бирон жойда ёки бирон ҳолда ана шу қоидадан четга чиққилдими? Йўқ. Миллий тотувлик ва бағрикенгликка зарар етказилган бирорта ҳолатни эслай олмайсиз. Ҳозир Ўзбекистонда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу гоя ҳаётга изчил татбиқ этиляпти. Бу гоянинг негизиде миллий тотувлик, ҳамдардлик, инсон тўғрисида гамхўрлик ва бағрикенглик ётибди. Бу борада жойларда амалга оширилаётган турли тадбирларда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган тартиб-ташвиқот ишларида асосий диққат-эътибор кўп асрлардан бери аждоқларимиздан мерос бўлиб келаётган азиз қадриятларга, яъни каттага ҳурмат ва кичikka шафқат, ўзаро меҳр-оқибат, ота-онани азиз деб билиш, етим-есир ўтганларида хотираларига ёрдам, иймон-эътиқодни мустаҳкамлаш, ҳалоллик-поқлик каби ҳолатларнинг миллий, маънавий ва тарихий аҳамиятга қаратилмоқда. Ана шу жиҳатдан олганда, бизга улугларимиз яшаб ўтган узок ўтмишдан ҳамда Амир Темур давридан мерос бўлиб келаётган бой маънавий меросимиз бугунги кунда жуда-жуда асқотмоқда.



ҲАМДАРД ВА БАҒРИКЕНГ ХАЛҚМИЗ

Тўғриси, Соҳибқирон бобомиз Мовароуннаҳрда қонуларга, тартиб-қоидаларга, эътиқодга, ахлоқ-одобга, урф-одатларга, инсон тўғрисида гамхўрлик қилишга, маънавий қадриятларга асосланган давлат барпо этиш билан ўша пайтда Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир кўрсатди ва умумжаҳон тарихий-иқтисодий тезлашувига қўмаклашди. Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган бу ҳақиқатни жаҳон тан олди ва бунга тарих тухуллик беради. Биз келажик буюқ давлат қураётган эканмиз, демак, улғу аждоқларимиз амал қилган қадриятларни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш борасида қўяётган кўп қўл қўлларимиз Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилишига ишонамиз.

Инсоннинг азизлиги ва юртимиздаги бағрикенглик ҳақида гапирга туриб, миллий ва маънавий илдила-римизга бекорга тўхталиб ўтмадик. Биргина мисол. ЮНЕСКО қароргоҳида 1996 йилда ўзбек халқининг буюқ фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига, умуман, муносиб даярлик беришга бағишланган кўргазма ташкил этилганини эслайлик. Унинг очилиш маросимида Президентимиз нутқ сўзлаб, бизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳис-савмиз эслатар экан, жумладан, шундай деди: «Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термизнинг ноёб ёдгорликлари, Буюқ шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳроуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариётнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди».

Ана шу мулкни авайлаб-асраб сақлаётган юртинг фуқаролари,

қоқорида номлари тилга олинган улугларнинг авлод-аждоқлари, ноёб ёдгорликлар ҳамда асарларнинг эгалари эканмиз, бунинг учун фахрийлик ҳиссида тўлиб мустақилликка шукроналар айтаемиз.

Бағрикенглик жамият кўрки экан, ҳар қандай инсоннинг кўрки – яхшилик, тўғрилик ва ҳалолликдир. Ана шундай инсонлар жамиятини яшатади, Ватани оқиб ва кўркам қилади, ҳаёт ҳақиқатини қўзғайди, миллат ва юрт шаънини улуглайди. Тўғриси, ҳаётнинг барча жаҳалларида яхшилик йўлини танлаган инсонларни бугунги тараққиёт, ўзгариш, фаровонлик, тинчлик-тотувлик ва буюқ келажак таянчларига ўшатишга келади. Аслида ҳам шундай. Қўнғилини қушуд этиб, дилга ором ва эртанги кунга ишонч бағишлайдиган нарсасуки, орамизда яхши инсонлар

кўп. Бундай инсонларни кўргангизда Абдураҳмон Жомийнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади:

Эй, энг яхши одам ким, деб сўраган, Айтайин, ким бўлур энг яхши одам. Энг яхши одам шу – кимдан халқига, Қандайдир наф тегар, ҳар куну ҳар дам.

Дарҳақиқат, жамиятимиздаги бугунги бунёдкорлик, бағрикенглик, ҳамдардлик ва ҳамфикрликни яхши одамларсиз тасавур қилолмайсиз. Мана бу ҳақда яхши ва ёмон одамларга нисбатан берилган иборани эслатиб ўтишни лозим топдик: «Яхши одам билан ўтириш гўё мушқу анбардек, ёмон одам билан бирга бўлиш эса темирчининг босқони кабилар. Мушқу анбари бор кишидан хушбўй оли таралади, сен ундан уни сотиб олишинг ёки хушбўй ҳидидан баҳраманд бўлишинг мумкин. Темирчининг босқони эса кийимингни куйдириб қўйиши ёки лоқал ундан қўланса ҳид этиши мумкин». Бундан кейин ҳаммиша мушқу анбарнинг ёқимли ҳиди ҳамроҳимиз бўлсин. Бу янги юртимиздаги бағрикенгликка яхши юртимиздаги бағрикенгликка қўшган ҳис-савмиз эслатар экан, жумладан, шундай деди: «Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термизнинг ноёб ёдгорликлари, Буюқ шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳроуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариётнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди».

Иброҳим НОРМАТОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

кучли ижтимоий сиёсатнинг асл маъноси оила, она-бола, кекса ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган республика «Оила» илмий-амалий маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимлари оила муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш билан бирга, уларга моддий-маънавий ёрдам беришга қаратилган тасвирий ишлаб чиқиш, қўллаб-қувватловчи ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатиб, ёшларда Ватанга, оиллага, маҳаллага нисбатан чуқур ҳурматни тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги масъулият масаласида уларнинг бўли вақтидаги машғулотини, нима билан шуғулланиши ва кимлар билан муносабатда бўлиши ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Афсуски, баъзиларнинг масъулиятсизлиги, бефарқлиги ва лоқайдлиги оқибатида айрим



билан боғланган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ эр-хотинлар тарбияланган фарзандлар гўзалликка иштиёқман, руҳан тетик, бағри бутун, ҳаётга қизиқувчан, тинч-тотув оилавий ҳаёт кечирдишга тайёр бўлиб ўсади. Акс ҳолда ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибатсизлик, ўз ҳаётдан, жамиятдан норозилик, оилада нотинчлик, ҳеч нарсага қизиқмаслик, лоқайдлик ҳолатлари ҳукм суради. Бу эса оиланинг инкирози учун замин ҳозирлайди.

Носоғлом муҳитда дунёга келиб, тарбияланган болаларда хиёнатга, турли ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга, руҳий тушунлиққа мойиллик кучли бўлади. Шунинг учун эр-хотиннинг муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Оила кодекси»да фарзанд тарбиясида ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонулаштирилган. Зеро, фарзанд тарбияси ҳар бир ота-онани юксак ва шарофли вазифаларини юклайди. Улар бурчи ўз фарзандининг бахтли келажакини таъминлашни қўлаб, уни жамиятга наф келтирувчи соғлом, баркамол шахс этиб тарбиялашдан иборат.

Эр-хотин ёхуд ота-она оиланинг асоси, таянчи ва устунларидир. Улар ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳамкорлик ва ҳамфикрлик, иззат-иқром ҳама муносабатлар самимиёлиги – оила мустаҳкамлигини таъминловчи за-

натга, турли ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга, руҳий тушунлиққа мойиллик кучли бўлади. Шунинг учун эр-хотиннинг муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Оила кодекси»да фарзанд тарбиясида ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонулаштирилган. Зеро, фарзанд тарбияси ҳар бир ота-онани юксак ва шарофли вазифаларини юклайди. Улар бурчи ўз фарзандининг бахтли келажакини таъминлашни қўлаб, уни жамиятга наф келтирувчи соғлом, баркамол шахс этиб тарбиялашдан иборат.



ёшлар турли номақбул ишларга қўл урмоқда. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бола тарбиясида ота-онанинг бурчи муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Оила кодекси»да фарзанд тарбиясида ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонулаштирилган. Зеро, фарзанд тарбияси ҳар бир ота-онани юксак ва шарофли вазифаларини юклайди. Улар бурчи ўз фарзандининг бахтли келажакини таъминлашни қўлаб, уни жамиятга наф келтирувчи соғлом, баркамол шахс этиб тарбиялашдан иборат.

тасаввур қила олмайд. Шундай экан, уни қачондан бошлаш керак? Умуман, тарбия қимнини ибн Сино болани гўдақликдан ота-она тўғри тарбиялаб боришини таъкидлаганди. Демак, тарбия она қорнидан, оиладан, боғча, мактаб, коллеж, лицей, олий таълим муассасаси, маҳалла, хизмат қилаётган жамоадан, жамоатчиликдан, жамиятдан бошланади. Кейинчалик коммуналка интилган инсон ўзини ўзи тарбиялайди. Камчиликларини йўқотишга улуглардан ўрнак олишга ҳаракат қилади. Фозил инсонлар билаларидаги юксакликка индоқчи, обрў-эътиборга эриштирувчи, фаровон турмуш билан таъминловчи юксак фазилатлар инсонга тарбия орқали ўтади.

Лектин тарбияда ҳам бошқа йўналишларда бўлгани каби бағрикенгликнинг ўзига, тиббиёт тили билан айтганда, генларига, наслига, зотиға ҳам жуда кўп ҳолларда таъсир доираси бор. «Мағлуб бўлишимда, – деган эди Наполеон авлиё Елена оролда – ўзимдан бошқа ҳеч ким айбдор эмас. Энг ёвуз душманим, фожiali тақдиримнинг сабабчиси ўзим эдим». Ҳар бир кишининг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам ўзи билан бирга.

ни талаб қилаётган, аммо сўзи бошқа-ю, иши бошқа бўлган шахснинг таъсири қандай бўлади? Нафс бандаси, тамағир, ўз вазифасини суиистеъмол қилувчи бошқаларни тарбияламоқчи бўлса кўпчиликнинг нафратига, ғазабига учрамайдими?

Ҳар ишга аралашши, ҳасад, иғво, гап таштиш, кўролмаслик, доғ туширмаслик учун, хунуқлар эса ўз хунуқчилигини ақл-заковатини тарбиялаш билан беэзамоқ учун тез-тез кўзга қараб турсинлар, деган эди Сукрот. Бир кишининг «фиқри» билан бошқа бир ходимнинг аслида ким эканлигини аниқлашнинг мутлақо имкони йўқлигини фахмлаш учун идрок, сабр керак.

Хадисда «Сўроққа тутилмай туриб ўзларингиз ўзларингиз сўроқ қилинган» – дейилади. Узини тарбия кўрган одам деб ҳисоблаган ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракати учун ўйлаб қадам босиши, содир этган қилмиши учун ўз-ўзига савол бериши керак. Қайси йўл адолат йўли, жиҳодга нима етаклайди? Ҳаёт йўлини ички ишлар идоралари ва харбий хизмат билан боғлаган ҳар бир ходим раҳбарнинг тарбияси, миллий тарбиямиз эҳтимом, шунда кўрилади. Тарбия эскирмайди. Бирок уни излоқ қилиб бориш ҳамма шараф талаби бўлиб қолаверади. Ички ишлар идораларида интизомнинг бошланғич тарбиядан, қонунчиликка риоя этиш албатта тарбиядан, ҳуқуқий тарбиядан. Тамағирлик, маънавий ва тарихий аҳамиятга қарабандас бўлиш, фуқаролар билан муомала маданияти йўқлиги ходимнинг тарбия қўрамалигини ички дунёси қандай эканлигини кўрсатади.

Манбаларда ёзилишича, тарбия – ўргатиш дегани экан. Яна бир ҳақиқатни биланмиш, мукаммал, қомил инсон йўқ. Инсон ҳаёт экан ўрганади, ўргатади шундай бўлса-да, тарбияга муҳтож. Ҳар бир инсон доим тарбиянинг ёнида юради. Унинг усуллари кўп. Ҳозирги даврда фақат гапирган билан асл мақсадга эришилмайди. Бунинг учун ишонтириш, ибрат кўрсатиш, керак бўлганда мажбур қилиш лозим. Барча усуллар ўз жойида ходимлар учун қўлланлиши ва ижобий натижага эришиш учун тинимсиз меҳнат қилишни талаб этади. Тарбия

ралади интизомнинг бошланғич тарбиядан, қонунчиликка риоя этиш албатта тарбиядан, ҳуқуқий тарбиядан. Тамағирлик, маънавий ва тарихий аҳамиятга қарабандас бўлиш, фуқаролар билан муомала маданияти йўқлиги ходимнинг тарбия қўрамалигини ички дунёси қандай эканлигини кўрсатади.

эртапишар мева эмас. Ҳар ишининг давоси – ВАҚТ. Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходим ўз касбини, унинг масъулияти ва шарофига муносиб бўлиши керак. Ҳар бир раҳбар тарбиячи, шу аъмолига муносиб бўлсин. Эл-юрт осойишталиги ҳимоячиси, қодир, қобил ходим бўлиши бурч, масъулият ҳиссини бир зум тарқ эмаслиги зарур. Ҳазрат Жалолидин Румийда бир воқеа ўқиганим бор: «Бир бақолнинг маймуни бор экан. Маймун ўргатилган бўлиб, эгаси йўқ пайтларда бақолик дўконини кўриқлаб турар экан. Ҳар гал у мақтига ноъзоқ қилган равона бўлганда, ўрнига бемалол маймунни қўйиб кетавераркан. Бир кун пешин намози вақтида бир одам дўкон олдига келибди-да, маймунни лақилла-тибди. Иккала қўлини тепага кўтарган экан, маймун ҳам тақлид қилибди. Одам қўлларини кўксига қўйса, маймун ҳам шундай қилибди. Учинчи мақомда боғга киши икки қафти билан қўлларини беркитса, маймун ҳам унинг ҳаракатини такрорлабди. Шу пайт нияти бузуқ найранбоз дўкондаги ҳамма бойликларини қўйнига солибди-да, жунаб қолибди. Дўкондор ибодатдан қайтиб қарасаки, ўри ҳаммаёқ-

ни шилиб кетган, жаҳли чиқиб, маймуни роса қалтаклабди. Эртаси кун аҳвол яна такрорланади. Пешин пайти ўғри келиб, биринчи, иккинчи қўл мақомни ҳаракатларини қилганда, маймун яна тақлид қилиб, ҳаммасини бажаради. Қўллар кўтарилиб, туширилади. Сўнгра кўраққа қўйилади. Учинчи мақомга келганда, ўри қўлларини билан қўларини юмган экан, маймун қўли билан пастки қабоқларини тортиб, йил-йўқларини лўқ қилади... Ўғри кўрадики, бу гал кегаги хийла ш бермайди. Ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетади... Бир кун олдиги аччиқ сабоққалтак зарби маймуни «тарбия» қилиб қўйган эди. Ҳаёт эзгулик қилиш учун инъом этилган. Тарбияли инсон эзгуликка қодир. Қулай йўлдан боришни ҳамма билди, ҳеч ким жонини зое қилмагани келмайди, ноқулайликдан қўлайлик қидириш ва топил ҳам тарбия. Тарбиянинг барча қоидаларини ёдлаб олган билан инсон бўлиш қийин. Тарбия ҳиддий, узок муддатли, машаққатли жараён. Инсон боласи эса темирдан қаттиқ, гўлдан нозик. Бирок темирча ҳам гўлга ҳам шакл берса бўлади... Мирзаумар ХАЛИМОВ, подполковник.

ТАРБИЯ ҚИМНИНГ ОШИ?

тарбия қилгани кабилар. Боғбон ниҳоллардан ўсиб чиққан нуносиб шохларни бутаб туради, ён-атрофда эса фойдасиз беғона ўтларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймайди. Унинг яхши ўсиши учун бутун кучини сарфлайди. Демак, билингни, бола ҳам худди ниҳолнинг ўзидир. Агар у тарбия қилинмаса, ёмон феълларга мубтало бўлади ва фалокат хашаклари ўртасида сўлиб битади!» Бошқаларни тарбияламоқчи бўлган одам энг аввало, ўзи тарбия кўрган бўлиши шарт. Акс ҳолда, тарбия фойда бермайди. Масалан, ўзгалардан интизом-

хизматдошлари обрўсига пугур етказишга ўзи сабабчи бўлиб, томоша кўраётган ғаламис тарбиясининг виждони асло қийналмайди. Тарбиясизда виждон на қилсин? У танасига ўйлаб кўришни билмайди. Тарбия фалсафасини ўрганишдан кўра, ўзини атрофдагиларнинг эътиборида бўлишини, ҳамма у билан ҳисоблашини хоҳлайди. Инсон зоти руҳан алданмишга мойил, рост гапга кишиларни ишонтириш баъзан амримаҳол. Қизик, лекин гирт ёлғонга анойи одамлар лаққа ишонади. Нафақат ўзгаларни, ўзини ўзи алдаб юрганлар топилади, афсуски.

Ҳуснорлар ўз хуснларига

Футбол

«БУНЁДКОР»НИНГ МАҒЛУБИЯТИ



Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лигасининг йигирма биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу турда «Бунёдкор»нинг узоққа чўзилган мағлубиятсиз одимлари барҳам топди.

Тошкентнинг мазкур пешқадам жамоаси миллий чемпионат доирасида 2008 йилнинг 18 ноябрь кuni Фарғонада «Нефтчи» футболчиларига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берганди. Мана шу баҳсдан сўнг орадаги 51 та учрашувда «қалдирғочлар» мағлубият нималигини билишмади. Зарафшонда «Кизилкум» меҳмони бўлган бунёдкорчилар дастлабки мағлубиятни тан олишди.

Уйиннинг биринчи бўлими голли вазиятларга бой бўлмади. Фақат икки марта дарвозалар олдида хавфли вазият юзага келди. Учрашувнинг иккинчи бўлими анча жонли ўтди. Иккала жамоа вакиллари ҳам гол киритиш учун астойдил ҳаракат қилишди. Бироқ шу кuni «Кизилкум» футболчилари пойтахтликларга муносиб қаршилик кўрсата олди. «Бунёдкор» футболчилари ташаббусни ўз қўлига олди. Тўпни назорат қилиш бўйича пешқадамлик қилиб, кетма-кет ҳужумлар уюштирди. Аммо зарафшонликлар қарши ҳужумга зўр берди. Ана шундай ҳужумлардан бири учрашувнинг 70-дақиқасида ўз самарасини берди. Леонид Кошелев тезкор ҳаракатлари билан икки ҳимоячини доғда қолдириб, Игнатий Нестеров кўриклаётган дарвозани ишғол қилишга муваффақ бўлди – 1:0.

«Бунёдкор»нинг мағлубияти мусобақа жадвалида иккинчи поғонада борувчи «Пахтакор» учун олтин медаль баҳсида имконият туғдирди. Равшан Хайдаров шогирдлари Муборақда «Машъал»га қарши тўп суриб, 2:1 ҳисобида зафар кўчди. Ушбу ғалабадан сўнг пахтакорчилар «Бунёдкор» жамоаси билан ўртадаги фарқни беш очкогача қисқартирди.

Учинчи ўрин учун даъвогар икки жамоа – «Насаф» ва «Шўртан» мазкур турда очко йўқотди. «Насаф» Самарқандда «Динамо» меҳмони бўлди. Мурсосасиз уйинда дарвозалар дахлсиз қолди – 0:0. «Шўртан» эса энг яқин таъқибчиси – «Андижон»га имкониятни бой берди. Андижонликлардан Лочин Солиев ва Шўхрат Мирхолдишоев биттадан тўп киритиб, 2:1 ҳисобида жамоаси ғалабасини таъминлади. Ғузорликларнинг ягона голига Ярослав Крушелницкий муаллифлик қилди.

Йигирма биринчи турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: «Хоразм» (Урганч) – «Нефтчи» (Фарғона) – 2:1, «Олмалик» (Олмалик) – «Металлург» (Бекобод) – 3:2, «Навбахор» (Наманган) – «Локомотив» (Тошкент) – 2:0.

Мусобақа жадвалида «Бунёдкор» 54 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Пахтакор» ҳисобида 49 очко бор.

Ф. АЗИЗОВ.

Кўл жанги

СПОРТЧИЛАР ЗАФАР КЎЧДИ

Яқинда Навоий вилоятида кўл жанги бўйича Ўзбекистон очик чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада Қашқадарё вилояти спортчилари ҳам қатнашиб рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишди: умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти спортчиларидан кейин учинчи ўринни эгаллаб, 4 та олтин, 4 та кумуш ва 6 та бронза медалларни қўлга киритди.

70 килограмм вазнда Нурбек Гелдиев, 65 килограмм вазнда Феруз Исмоиловлар барча рақибларини мағлубиятга учратиб шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Қизлар ўртасидаги мусобақаларда 45 килограмм вазнда Латофат Шодмонова ҳамда 55 килограмм вазнда Замира Холмаҳматоваларга тенг келадиган рақиб топилмади.

Мазкур мусобақада вилоятимиздан 65 нафар спортчи қатнашиб, 14 нафари шоҳсупага кўтарилиб, ва шу йилнинг ноябрь ойида кўл жанги бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини кубоги учун ўтказиладиган Халқаро мусобақага йўлланишга олишди.

Сирожиддин ОДИЛОВ.
Қашқадарё вилояти.

Баркамол авлод – юрт келажаги

ЁШ ДЗЮДОЧИЛАР УСТОЗИ



Истиқлол йилларида ёш авлодни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти эртамиз эгалари бўлмиш ёш авлодни жисмонан баркамол, спортга ошно қилиб тарбиялаш ишларида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. «Динамо» ЖТСЖ ҳам мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида собитқадамлик билан ҳисса қўшаётган масканлардан биридир. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган спорт мажмуасида кураш, дзюдо, каратэ, таэквон-до, бокс тўғрақлари ҳамisha болалар билан гажум. Бу жойда шуғулланаётган ёш спортчилар халқаро мусобақаларда зафар кучиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Бунда спорт мураббийларининг айниқса ҳиссаси катта.

– Икки нафар ўғлим – Насрулло ва Мироншоҳлар Баҳодир ўзакбергенов раҳбарлигидаги дзюдо машғулотларига қатнашади, – дейди республика ИИБ Хўжалик бошқармаси катта мутахассиси, майор Лутфулла Каримов. – Келажакда улардан умидим катта. Шу ўринда фарзандларимизнинг мана шундай шароитларда шуғулланиб, баркамол авлод бўлиб шаклланишлари учун кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдоримиз.

Ҳа, баркамол авлод – эртанги куннинг навнихоллари. Уларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатини ошириш борасида жонбозлик қилаётган мураббийларнинг меҳнати алоҳида эътирофга лойиқдир. Зеро, Ватанга садоқатли, келажакка ишончи бор, баркамол авлодни тарбиялаш, болажонларимиз орасидан истеъдодли спортчиларни кашф қилиш ва дунё спорт майдонларида уларнинг зафар кучишларини кўриш бош мақсадимиздир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Поста» мухбири.
Суратда: Б. ўзакбергенов шогирдлари билан.
Шавкат КАХХОРОВ олган сурат.

Истиқлол тенгдошлари

ОРЗУИМ – ЭЛУ ЮРТ ПОСБОНИ БЎЛИШ

Оилада ёлғиз фарзандман. Болалигимда ота-онам истиқлол тенгдошисан, мустақиллик биз учун кўш байрам бўлди, деб суйиб эркалашарди. Бугун бунинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етдим. Болалигимданок спортга қизиққанман. Биринчи устозим Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 42-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Тожибай Жолдасов спортга бўлган қизиқишимни янада ошириб, йўл-йўриқлар кўрсатди. Ўн ёшимдан Қорақалпоғистон Республикаси «Динамо» ЖТСЖга қатнай бошладим. Кикбоксинг федерацияси президенти, майор Икром Шамуратов ва мураббий катта лейтенант Ангсат Жуманазаровлар кикбоксинг сирларини ўрганишимда яқиндан ёрдам беришди. Машғулотлар ва ўз устимда тинимсиз ишлаганим самарасини берди.

Республикаимизда ўтказилган мусобақаларда икки марта чемпион бўлдим. Шу йил кикбоксинг бўйича Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон очик чемпионатида иккинчи ўринни эгалладим. Бу Нукус давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга имтиёзли


киришимда мустақам асос бўлди. Муддатидан олдин талабалик баҳтига эришдим. Шу билан бирга, улкан масъулият ҳиссини ҳам туйдим. Ниятим – Олимпиада уйинлари ва жаҳон чемпионатларида қатнашиб, мамлакатимиз байроғини янада юқорига кўтариш. Пекинда бўлиб ўтган мусобақалар иштиёқини янада алангалатиш билан бир қаторда, энг улуг ва азиз туйғуни юрагимга янада чуқурроқ жойлади.

Ота-онамнинг ўқиш ва спортдаги эришаётган муваффақиятларимдан қувончлари чексиз.

Мустақиллик билан тенгдош эканлигим кўнглимга ажиб ғурур бахш этади. Бугун эса бу буюк неъмат билан тенгдошликнинг улкан масъулиятини ҳам ҳис қилаяпман. Бунинг учун кунт билан ўқиш, ўрганиш ва ўз олдимга қўйган мақсад сари дадил бориш керак. Давлатимиз томонидан биз, ёшларга берилаётган қулай имкониятлар эса ниятимга етишимда мустақам замин бўлади. Орзуим – тинчлик посбони бўлиб, Ватанимга хизмат қилишдир.

Курул ҚДИРБАЕВ.

Қорақалпоғистон Республикаси.



Азиз муштарийлар! Ушбу чайнвордга яширилган ҳикмати сўзларнинг ўқиш учун маънолари матнда тавсифлаб берилган сўзларни топшиш ва уларни бир-бирига уланган катта айланаларнинг тўрт бурчакли ва ичига доирача қизилган хоналарига тартиб билан бирма-бир ёзиб чиқиш керак. Агар топшириқ бехато бажарилса, чайнворд айланаларининг доирачаларига тўғри келган ҳарфларни чапдан ўнг тарафга қарата бир-бирига қўшиб ўқиганингизда академик шоиримиз Фафур Фулом қаламига мансуб ҳикматли сўзлар аён бўлади.

ЧАЙНВОРДГА ЯШИРИЛГАН СЎЗЛАРНИНГ ТАВСИФИ:

1. Ёзма иш.
2. Ўзбек шоири, тарихнавис олим.
3. Австралиянинг энг чекка нуқтаси.
4. Махфий маълумотларни яширин узатиш учун мўлжалланган шартли белгилар тизими.
5. Соатнинг олтидан бир бўлаги.
6. «Дарахтда тўқ-қизил бир олма пишиди. Иккига ажратсам, мунчоқлар тушди».
7. Ёзув қуроли.
8. Мусбат зарядли электрод.
9. Даниялик биокимёгар олим (Нобель мукофотининг лауреати).
10. Бирор нарсанинг замиридаги энг муҳим маъно, ички мазмун.
11. Уқ отар қуролларидан машқлар ўтказиб туриладиган жой.
12. Ҳамма томонлари тенг, лекин бурчаклари тўғри бўлмаган параллелограмм.
13. Идора, муассаса, қорхона ва шу кабиларнинг маълум бир қисми.
14. Узум нави.
15. Отнинг металл «пойабзали».
16. Юз календарь йилга тенг вақт оралиги.
17. Таркибида металл ва унинг бирикмалари бўлган табиий минерал хомаш.
18. Россиялик конструктор М. Калашников ихтироси.
19. Миллий кийим.
20. Товар қийматининг пул ифодаси.
21. Мактуб.
22. Қирғовулнинг иккинчи хил номи.
23. Кишининг бўйи-баси, комат.

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ тузди.

ЭЛБЕКЖОННИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Фарғона вилояти ИИБ ҲООб вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2010 йил 4 сентябрь кuni Тошлоқ тумани ИИБ ВЕОХО-ОГ инспектори, катта лейтенант У. Турсунов томонидан 4-5 ёшлардаги ўғил бола адашиб, қаровсиз юрганиш учун олиб келинган. Ота-онаси, яшаш жойи ҳақида маълумот бера олмайди. Бола Тошлоқ туманидаги Тўхтабоев номли қишлоқ фуқаролар йиғини марказига ташлаб кетилган. Исмни Элбек деб таништирди.

Белгилари: бўйи 90-100 см, сочи, кўзлари қора, қоши сийрак.

Кийимлари: эгнига қора-қизил йўлли, олдида «PUMA» ёзувли футболка, кулранг шортик, оёғига резина шиппак кийган.

Боланинг ота-онаси ёки яқинлари Кўқон шаҳрида жойлашган вилоят ИИБ ҲООб вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Кўқон шаҳри Амир Темур кўчаси, 1-уй. Телефон (8-373) 552-24-56. Факс (8-373) 553-45-31.

ҚАЕРДАСИЗ, ШАҲЗОДАНИНГ ЯҚИНЛАРИ?

Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2010 йил 8 сентябрь кuni Шайхонтоҳур тумани Самарқанд дарвоза кўчасида назоратсиз қолиб, адашиб юрган 5 ёшлар чамасидаги қизча олиб келинган. Унинг исми Шаҳзода бўлиб, отасининг исми Комил, онасиники Феруза эканлиги, Олмалик шаҳрида яшашини айтган. Қизча онасини қутиб, йиғлаб ўтирган жойида туман ИИБ ходимлари томонидан ВЕИХЕМга олиб келинган.

Белгилари: бўйи 110-115 см, ўртача гавдали, юзи думалоқ, кўзи, сочлари қора, лаби ингичка, қулқлари ўртача, қулғичи бор.

Кийимлари: эгнида сариқ қўйлак, оёғида «Чипс» шиппак бўлган.

Қизчанинг ота-онаси, яқинлари Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишларини сўраймиз. Телефонлар: 212-49-76, 212-42-56, 212-23-48.



БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Фуқаро Муқаддас Нарзикуловна ХОЛБОЕВА Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ томонидан бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

У 1964 йилда туғилган. Бекобод шаҳри Темириўлчилар кўчаси, 5-уйда яшаган. 2008 йил 29 октябрь кuni уйдан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, озгиндан келган, юзи чўзикроқ, сочи, қошлари, кўзлари қора, киприклари узун, қулқлари ўртача, қулғида сира, бармоғида сарк металлдан ясалган никоҳ узуги бўлган.

Кийимлари: қизил қўйлак, қора костюм, пушти ранг рўмол, кўк шиппакда бўлган.

Юқорида исм-шарифи қайд этилган фуқарони кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Бекобод шаҳар ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва Портлаш техникалари экспертизаси маркази раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби ушбу марказ бошлиғи ўринбосари, полковник Шавкат Ҳамидовга падали бузруқвори **РАҲМАТ ҲОЖИ ОТАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгаши ҳамда ЖК ва ТҚБ раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги подполковник **Бегмат СОБИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадиганар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Томди тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Акмал Елибаевга отаси **АҲАД БОБОНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

5 октябрь – Халқаро шифокорлар куни

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Инсон саломатлигини муҳофазалаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришдек савобли иш бўлмаса керак. Бу борада тиббиётчилар олдида тушадигани йўқ. Шу боисдан мазкур тизимда меҳнат қилаётганлар ҳақ кундузи, ҳоҳ ярим тун бўлсин, ҳамини қосамёдига содик, зийрак ва ҳушёр туришади.



ёш ходимларнинг соҳа сир-синоатини пухта ўзлаштириб олишларига жиддий эътибор қаратилган, – дейди поликлиника бошлиғи, подполковник Феруза Зокирова. – Жорий йилнинг ўзига бир неча ёш мутахассислар ҳисобига жамоамиз сафи кенгайди. Шифокорларимиз ихтисослаштирилиб, малака оширишлари ҳамда янги асбоб-ускуналардан унумли ва самарали фойдаланишлари учун имкониятлар яратилди. Хасталикни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, деган гап бор. Шу боис поликлиникадаги барча бўлимларда, ку-

тиш жойларида алоҳида бурчаклар ташкил қилиниб, хасталикларнинг келиб чиқишига оид қўлланмалар, китоблар махсус столларга қўйилган. Бу ерга келатганлар шифокорлардан етарлича маслаҳатлар олиб, ана шу қўлланмалардан ҳам унумли фойдаланишади. Бу ўз-ўзидан кишиларни эҳтиёткорликка чорлаб, турли хасталиклар камайиши ва юқумли касалликларга барҳам бериши табиий. Шундай бўлапти ҳам: мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги уч йил оралиғида бир неча турдаги юқумли касалликлар кескин камайгани айнан шундан далolat.

Бир сўз билан айтганда, ички ишлар ходимлари ҳамда уларнинг оила-аъзолари жиҳмонан соғлом ва бақувват бўлишларида Марказий поликлиникадагиларнинг қўшаётган ҳиссаси ҳам муносибдир.

Ўз муҳбиримиз.

Суратда: республика ИИБ Марказий поликлиникаси ходимларининг иш фаолиятидан лавҳа.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Мустақиллик йилларида кўплар қатори шифокорлар дилида армон бўлган орзулар ҳам ушaldi: аввало, соҳага янги ва замонавий технологиялар олиб келиниб, уларга етарлича шароитлар яратиб берилди. Шунингдек, соҳадагиларнинг тажриба алмашиб, хорижликлар билан ҳамкорликни шакллантиришлари имкониятлар эшиги очилди. Ички ишлар вазирлиги Марказий поликлиникасида хизмат қилаётганлар ҳам бундан мустасно эмас.

Мослаштирилган бино ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, соҳага оид қўлланма ҳамда зарур нарсалар эндиликда хасталикларни тез, сифатли аниқлаш имкониятини бермоқда. Ўз навбатида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида малакаси-

ни ошириш, уларни қайта тайёрлаш масаласи ҳам доимо диққатмарказида. Бундай қулайликлар ички ишлар ходимлари, соҳадан нафақага чиққанлар, фахрийлар, ногирон ва уларнинг оила аъзоларига сифатли хизматлар кўрсатишда қўл келаяпти. Фаолият олиб бораётган ўндан ортик бўлимлар ҳам ҳукуматимизнинг «Саломатлик – 1», «Саломатлик – 2» дастурлари асосида энг сўнгги русумдаги тиббиёт дастгоҳлари билан тўлиқ қайта жиҳозланган. Мурожат қилаётган беморларга шу жойнинг ўзига аниқ ташхис қўйилиб, соғлиқларини қайта тиклаши учун барча қулайликлар муҳайё этилди.

– Эндиликда поликлиникамизда устоз-шогирдлик аъёналари янада ривожлантирилиб,

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

КАРОҚЧИЛАР ҲАМОН ХУРУЖДА



Сомалилик денгиз қароқчилари томонидан кемаларга ҳужум уюштириш ва гаровга олиш ҳоллари ҳамон кузатишмоқда. ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабарига кўра, қароқчилар бу гал Танзания қирғоқларида Панама байроғи остида ҳаракатланаётган савдо кемасини 15 нафар экипаж аъзолари билан гаровга олишган. Кема Кениядан Жанубий Африка Республикасига йўл олган эди.

КУТУБХОНАДА ПОРТЛАШ

Украина пойтахти Киев шаҳридаги миллий кутубхонада юз берган портлаш оқибатида икки нафар киши ҳалок бўлди, бир нафари эса жароҳатланди. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.

ЯНГИ ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ

Ҳиндистонда фуқароларга янги паспортларни тарқатиш бошланди. Биометрик паспортда фуқаронинг суратидан ташқари ёши, яшаш жойи, маълумоти, бармоқларидан бирининг изи ва кўзининг рангдор пардаси акс этган.



Бош вазир Манмохан Сингх шу муносабат билан уюштирилган тадбирда сўзга чиқиб, беш йил ичида мамлакат аҳолисининг асосий қисмига янги паспортлар берилиши ва шу мақсадлар учун давлат бюджетидан 30 миллиард доллар миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилганини таъкидлади.

КУТҚАРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, шу йилнинг 5 августида Чили шимолидаги конлардан бирида юз берган ҳалокат оқибатида 33 нафар кочни 700 метр чуқурликда қолиб кетган эди. Фақат 22 августдагина улар билан алоқа ўрнатилди. Кончиларни кислород, озиқ-овқат ва дори-дармонлар билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилди.

Ҳукумат вакилининг сўзларига кўра, кончиларни қутқариш ишларига тўрт ой муддат керак бўлади.

ТАРТИБ ЯНАДА ҚАТЪЙЛАШТИРИЛДИ

Канада Транспорти вазирлиги кўрсатмасига биноан мамлакат аэропортларида назорат янада кучайтирилиб, тартиб қатъийлаштирилди. ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабарига кўра, эндиликда барча авиайўловчиларнинг юзлари очик, яъни ёпинчқисиз бўлиши шарт. Агар боши тиббий «бинт» билан ўраб-чирмалган бемор йўловчи парвоз этадиган бўлса, ёнида, албатта, бу ҳақдаги тиббий маълумотнома бўлиши шарт. Акс ҳолда, унинг самолётга чиқишига рухсат берилмайди.

Шунингдек, йўловчилар ҳужжатларини текшириш тартиби ҳам кучайтирилди. Агар йўловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги сурати (юз кўриниши) йўловчининг айна пайтдаги кўринишига унча ўхшамаса, яъни йўловчининг мўйлови йўқ бўлса-ю, суратдаги аксида бор ёки аксинча бўлса, унинг ҳам парвоз этишига рухсат берилмайди. Тартибнинг бу ҳолда кучайтирилишидан асосий мақсад, – дейилади аэропорт вакилининг баёнотида, хавфсизлик чораларини янада қатъийлаштиришдир.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ISSN 2010-5355
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NY BIRLASHGAN TASHRIIYATI
MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Sadriddin SHAMSIDDINOV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88;
Faks: 232-05-51.
E-mail: uravd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO 00421.
«Pak yo'l» aksiyadotirik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.
INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келусиhaftага



КҮЙ.

Хафтанинг биринчи ярмида ишларингизда айрим муаммолар туғилиши мумкин. Шу боис шерикларингизнинг хоҳишларини инобатга олиб, айрим масалаларда ён босганингиз маъқул. Хафтанинг иккинчи ярмида эса шахсий муносабатларингизни изга тушириш учун бир оз ўйлаб, режаларингизни «тафтишдан» ўтказсангиз, адашмайсиз.

СИГИР.

Мазкур hafta яқинларингиз билан муносабатларни яхшилаш учун жуда қулай давр. Уларга ўз туйғуларингизни изҳор қилишга тортинманг. Хафтанинг иккинчи ярмида ишингизга кўпроқ эътибор қаратинг. Ҳаммасларингиз, шерикларингиз билан очикроқ бўлиб, фикрлашишдан қочмасангиз, режалаштирган ишларингиз осон ҳал бўлади.

ЭГИЗАКЛАР.

Бу бурж остида туғилганлар учун hafta биринчи ярми омадли келади. Сиз учун фойдали бўлган учрашув юз бериши мумкин. Айрим ҳаммасларингиз сизга бефарқ эмаслигини осон билиб olasiz. Шахсий муносабатларни жиддийлаштириш, алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қиласиз.

КИСКИЧБАҚА.

Бу hafta сизга янги танишувлар учун қулай фурсат. Ижодий фаолиятингизда умид қилиб боқад. Бироқ кўчмас ҳул, айниқса, ҳуқуқшунос маслаҳати билан боғлиқ бўлган ишларга қўл урмай турганингиз маъқулроқ. Бундай юмушларни hafta охирига қолдиринг. Бу фурсат ичида аниқ қарорга келиш имкони пайдо бўлади.

АРСЛОН.

Хар қандай ишда шоққалоқликка йўл қўйманг. Бу ҳаракатингиз ишингизда айрим хатоликларни келтириб чиқариши мумкин. Маълумотларни қайта ишлаш, ишбилармонлик фаолиятингиз хафтанинг иккинчи ярмида муваффақият келтиради. Ўз фикр-мулоҳазаларингизни миждозларингизга бемаълум ифода этсангиз ютказмайсиз.

БОШОҚ.

Ушбу hafta янги танишувлар ва қувончларга бой бўлади. Аммо сафарга чиқиш ёки сайр вақтида, тасодифий танишувлар чоғида ҳушёр бўлинг. Шахсий бюджетингизга эҳтиётсиз ва эътиборсиз бўлманг. Сарф-харажатларингизни назорат қилиб, тежамкор бўлсангиз ютасиз.

ТАРОЗИ.

Савдо-сотик учун қулай давр. Ёқирган кишингиз билан биргаликда харид қилган нарсаларингиз ўзингизга манзур бўлади. Ёлғиз, турмуш қурмаган кимсалар учун ишқий танишув қутилмоқда. Хафтанинг иккинчи ярмида масъулятни ошириб, жиддийроқ бўлиш маъқулроқдир.

ЧАЕН.

Олинган ҳар бир хабар, маълумотларга ишонаверманг. Узингиз ҳам сўхбат чоғида бошқаларни алдаб, воқеаларни бўзиб тасвирлашга уринманг. Хафтанинг иккинчи ярмида эса вазиятни тўғри баҳолаб, жиддий қарор қабул қилишингиз мумкин. Воқеалар таҳлили хато ва ютуқларингизни кўрсатиб беради.

ЕЙ.

Мазкур haftaда маблағ билан боғлиқ ишларни режалаштирмаганингиз маъқул. Дўстларингиз, тенгдошларингиз билан молиявий масалаларни ҳам ҳал қилишга шошилманг. Хафтанинг иккинчи ярмида дўстларингизнинг сизга нисбатан бўлган ҳақиқий муносабатларини билиб olasiz.

ТОҒ ЭЧКИСИ.

Буржлар хафтанинг биринчи ярми гоят омадли келишидан дарак бермоқда. Аммо ўз мақсадларингиз ҳақида камроқ гапирганингиз маъқул. Чунки, бу уларнинг амалга ошишида ҳалал бериши мумкин. Режаларингизни шошилмай, босқичма-босқич амалга оширсангиз, яхши натижаларга эришасиз.

КОВФА.

Ўз мақсадларингизни амалга ошириш учун дадилроқ бўлинг. Аммо қўполлик билан иш битмаслигини унутманг. Хафтанинг иккинчи ярми билим олиш, кўникмалар ҳосил қилиш учун қулай бўлади.

БАЛИҚ.

Бу hafta ўқиш-ўрганиш, ўз билим доиранингизни кенгайтириш учун жуда қулай давр. Бироқ электр жиҳозлари билан ишлашда ўта эҳтиёткор бўлинг. Хафтанинг иккинчи ярми эса кредит, солиқ ва бошқа тўловлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун қулай бўлади.

Тўйлар ҳақида ўйлар

ҲАЁТИМИЗНИ БЕЗАБ ТУРСИН

Юртимизда тўйлар исрофгарчиликсиз, миллий урф-одатлар ва аъёнанишларга мос тарзда ўтатиш учун талайгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу яхши, албатта. Аммо қишлоқлардаги тўйларда таклиф қилинмаган кўплаб ёшларни кўрамиз. Улар орасида вояга етмаганлари ҳам бор. Ҳатто маросимга кўшни қишлоқлардан ташриф буюрганларни кўриш мумкин. Кўпчилиги тўй тарқамганча уйларида кетмайди. Отаналар эса хонадонга ярим тунда кириб келган фарзандига бефарқ муносабатда.

Яна бир томони, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллар тўйда иштирок этишса-да, даврада ноўрин ҳаракатлар қилаётган, бир-бирига бачкана сўзлар айтаётган ёшларни тартибга чақаришмайди. Уларга нисбатан нега бундай муносабат-

да бўлаяпти? Нима учун таклиф қилинмаган ўғил-қизлар тўйга боришига йўл қўйилаяпти?

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор беришни истардим. Илгари тўйхона атрофини яна бир гуруҳ чақирилмаган меҳмонлар – со-тувчилар эгаллаб олишарди. Даврада ароқ ичиб ўтирган катталарни кўрган йиғитчалар улардан хоҳлаганча спиртли ичкилик олиб истеъмол қилишарди. Натижада айримларининг кайфи ошиб, тенгқурлари билан муштлашишгача боришарди. Айни пайтда жойлардаги профилактика инспекторлари ва солиқ идоралари ходимлари ҳамкорликда спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотлари ана шу тарзда,

ноқонуний сотилишига чек қўйишарди.

Келиннинг оппоқ либосида тўйхонага кириб келиши кўзни қувонтиради. Аммо ушбу либос ижарага берилмаган салонларда фуқаролик паспортини гаровга олиб қолиш ҳолатлари учраётган. Бунинг олдини олиш мақсадида вилоят ИИБ хорижага чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари ҳамда профилактика инспекторлари ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб боришарди. Бу борадаги тарғибот-ташвиқотларни давом эттириш зарур, деб ўйлайман.

Тўйлардаги «қистир-қистир»ларга мутлақо қаршиман. Ахир бу ерга меҳмонлар пули кўпчилигини намоиш этиш эмас, оила



Тадбир

ХОДИМЛАР БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмаси ходимлар маънавиятини юксалтириш, ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу соҳада оммавий-маънавий тадбирлар мунтазам ўтказилаётир.



Яқинда бирлашма аппарати ходимларидан бир гуруҳи истиклол йилларида Тошкент шаҳрида барпо этилган янги ишоотлар ва мажмуалар билан яқиндан танишиш мақсадида пойтахтимиздаги Болалар ижодиёти уйига ташриф буюришди.

Ходимларни ижодиёт уйи директори Носир Файзиев кутиб олarkan, болалар масканининг яратилиш тарихи хусусида тўхталди ва мавжуд қирқдан ортик тўга-

рақлар ҳақида батафсил маълумотлар берди, яратилган шарт-шароитлар билан таништирди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодини ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш, уларнинг ўз қобилиятларини тўлиқ намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар етарли, – дейди республика ИИБ ҳузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмаси ШТБИХ бўлими бошлиғи, подполковник Ойбек Ази-

мов. – Тўғриси, бу ердаги шароитлар ва болажонларнинг ўз қўллар билан чизган ёки яратган асарлари, ижод намуналарига боқиб ҳавасимиз ошди. Ёшлар мана шундай фойдали ишлар билан машғул бўлса, улар ҳуқуқбузарлик ва жиноят кўчасига кириб қолмайди.

Азимжон ҚУРБОНМУРODOV.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар. **Шавкат ҚАҲҚОРОВ** олган суратлар.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-198. Bosish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 63659 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.